



# Ishonch

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

2018 йил 1 май • сешанба • № 52 (4025)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

## Ўзбекистон — Туркия: ЎЗАРО ИШОНЧ ВА ДЎСТЛИККА АСОСЛАНГАН ҲАМКОРЛИК ЖАДАЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғон 29 апрель куни давлат таширфи билан мамлакатимизга келди.

Икки мамлакат давлат бай-роқлари билан безатилган Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида Туркия Республикаси Президенти ва унинг рафиқасини Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов кутиб олди.

Таъкидлаш лозимки, Туркия Республикаси Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини биринчи бўлиб тан олган. 1996 йилда мамлакатларимиз ўртасида Абдий дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланган. Халқларимиз кўп асрлик тарихи, тили, дини, кадрлари ва муштарак урф-одатлари билан бир-бирига чамбарчас боғланган. Давлатларимиз ўртасида ўзаро ишонч асосидаги дўстона муносабатлар бугунги кунда изчил мустаҳкамланиб бормоқда.

Таширфининг асосий тадбирлари Кўксарой қароргоҳида бўлиб ўтди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф торди. Шавкат Мирзиёев ва Режеп Таййип Эрдоғон шохсулага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Туркия давлат мадхиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдирилди.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Шавкат Мирзиёев ва Режеп Таййип Эрдоғон тор доирада учрашув ўтказди. Дўстона ва очиклик руҳида ўтган мулоқотда Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация, илм-фан, маданият ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди, минтақавий ва халқаро

муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Президентимиз Туркия Президентини самимий кутлаб, мамлакатларимиз муносабатлари ривожидида муҳим сиёсий воқеа бўлган ушбу таширф ўзаро ишонч ва ҳурматга асосланган ҳамкорлигимиз изчил ривожланиб бораётганининг далолати эканини таъкидлади.

— Ўтган йил мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар янги стратегик босқичга кўтарилди. Ўзаро саъй-ҳаракатлар туфайли товар айирбошлаш ҳажми сезиларли даражада ўсди. Имзоланган ҳужжатлар самарасида халқларимиз ўртасидаги бонди-кедди енгиллашти. Олий даражадаги навбатдаги музокаралар халқларимиз манфаатига хизмат қилаётган ушбу эзгу ишлар суръатини янада оширишига ишончим комил, — деди Шавкат Мирзиёев.

Режеп Таййип Эрдоғон давлатимиз раҳбарига таклиф учун миннатдорлик билдириб, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда муттасил тараққий этаётганини мамнуният билан қайд этди.

— Туркия ва Ўзбекистон тарихи буюқ, урф-одат ва анъаналари муштарак, энг яқин дўстлар сифатида танилган. Халқаро майдонда ҳам, ўзаро алоқаларда ҳам бир-бирини доимо қўллаб-қувватлайди. Бугунги музокаралар ушбу дўстлик ришталарини яна бир поғона юқорига олиб чиқишига ишонаман, — деди Режеп Таййип Эрдоғон.

Ўзбекистон ва Туркия ҳамкорлиги икки томон учун ҳам манфаатли. Мамлакатимизнинг

бозори, тобора эркинлашаётган иқтисодиёти, қулай инвестициявий муҳити Туркияни кизиктиради. Ушбу мамлакатнинг ривожланган саноати, транспорт коммуникациялари, денгиз йўллари, кишлоқ хўжалиги ва туризм салоҳияти Ўзбекистонга фойда келтиради.

Давлат раҳбарлари 2017 йил 14 май куни Пекинда ўтган «Бир макон, бир йўл» форуми, ўша йилнинг 10 сентябрь куни Остона шаҳрида бўлган Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Фан ва технологиялар бўйича саммити доирасида музокаралар ўтказди. Шунингдек, сентябрь ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессияси доирасида учрашди.

Президентимизнинг 2017 йил октябрь ойида Туркияга давлат таширфи икки томонлама дўстона муносабатларда янги даврни бошлаб берди. Таширф давомида икки давлат раҳбарлари Ўзбекистон — Туркия ҳамкорлигининг мавжуд ҳолати ва истиқболларини батафсил муҳокама қилдилар. Имзоланган Қўшма баёнот ўзаро ҳамкорликни стратегик шериклик даражасига олиб чиқишда энг муҳим ҳужжат бўлди.

Президентлар мулоқотни икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида давом эттирдилар.

Музокарада савдо, саноат, кишлоқ хўжалиги, транспорт, туризм, илм-фан ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзаро савдо ҳажми ва унинг таркибини кенгайтириш бўйича

ижобий ўзгаришлар алоҳида қайд этилди.

Туркия Ўзбекистоннинг муҳим савдо шерикларидан биридир. 2017 йилда давлатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 30 фоизга ортиб, 1,5 миллиард АҚШ долларини ташкил этди.

Шу йилнинг биринчи чорагида бу кўрсаткич 20 фоизга ўсиб, 400 миллион долларга етди. Яқин йилларда бу кўрсаткич 5 миллиард долларга етказиш бўйича аниқ тадбирлар юзасидан келишиб олинди.

Рангли металллар ва улардан тайёрланадиган буюмлар, мева-сабзавот маҳсулотлари, хизматлар, азот ўғитлари, нефтни қайта ишлашдан олинган маҳсулотлар мамлакатимизнинг Туркияга асосий экспорти бандларини ташкил этади. Ўз навбатда, мамлакатимиз пардоз-андоз буюмлари, турли механик ва электрон ускуналар, пластмасса ва улардан тайёрланадиган маҳсулотлар, тўқимачилик, кимё, фармацевтика маҳсулотлари, тери ошлаш ва бўйш воситаларини импорт қилади.

Ўзбекистон Туркия бозорига енгил саноат, кимё, металлургия, машинасозлик, электротехника, чарм-пойабал ва кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт қилишни кенгайтиришга тайёр. Бу борада Истанбул шаҳрида очилган Ўзбек — Турк савдо уйи имкониятидан кенг фойдаланиш мумкинлиги алоҳида қайд этилди.

Транспорт коммуникациялари ва транзит соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик

бўйича ҳукуматлараро комиссия ҳамда Ер усти юк ташувлари тўғрисидаги келишувларга мувофиқ тузилган Халқаро автомобиль ташувлари масалалари бўйича қўшма комиссия бу йўналишдаги алоқалар ривожига салмоқли ҳисса қўшмоқда.

«Боку — Тбилиси — Карс» темир йўли ўзаро савдо алоқалари учун улкан имкониятлар яратиши қайд этилди. Шу жиҳатдан транзит тарифларини янада мақбуллаштириш муҳимлиги таъкидланди.

Ўзбекистонда 1993 йилдан буён ваколатхонаси фаолият кўрсатаётган Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги (ТИКА) саъй-ҳаракатлари ҳам юқори баҳога лойиқдир. Ўтган давр мобайнида ушбу агентлик тиббиёт ва таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш, кишлоқ хўжалиги ҳамда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга йўналтирилган қатор лойиҳаларнинг ҳаётга таътиб этилишида фаол қатнашди.

Музокараларда ҳали фойдаланилмаган имкониятлар кўплиги, ушбу таширф икки мамлакат вазирлик ва идоралари, ишбилармон доиралари ўртасидаги алоқалар ривожига янги суръат бахш этиши таъкидланди.

Икки мамлакатда ҳам харидоригр бўлган юқори қўшимча қийматли маҳсулотларни етказиб бериш ва узок муддатли инвестициявий ҳамкорликни ривожлантириш орқали ўзаро савдо ҳажмини муттасил ошириб бориш ва диверсификация қилиш бўйича яқин фикр билдирилди.

2>

### КҮН НАФАСИ

Президент Шавкат Мирзиёев Пханмунжомда корейлараро саммит мувафакиятли ўтгани муносабати билан Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Инга табрик йўллади.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 30 апрель куни Швеция қироли Карл XVI Густавга мактуб йўллаб, Швеция миллий байрами — Кирил таваллуди куни билан табриклиди.

Маълумот ўрнида қайд этиш керакки, бу сана мамлакатда жуда катта байрам сифатида нишонланади.

Вазирлар Маҳкамасининг 308-сонли қарори билан Хоразм вилоятида қўшимча равишда яна иккита кичик саноат зонаси ташкил этилади.

Биринчи зона Хива туманининг «Заунгур» посёлкасида, собиқ «Махсус қурилиш механизация» УК мулкчилик комплекси негизида (3,2 га), иккинчиси эса Шовот туманининг Бешмарган кишлоғида, консерва заводи — собиқ «Махсусинтерсавдо» МЧЖнинг бўш ётган бино ва иншоотлари негизида (3,7 га) барпо этилади.

Шу пайтга қадар Наманган вилояти хотин-қизлар кўмитаси раиси сифатида ишлаб келган Зулайхо Маҳкамова Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси раисининг биринчи ўринбосари лавозимига тайинланди. Айтиш керакки, айни пайтга қадар кўмилада биринчи ўринбосар лавозими жорий этилмаган эди.

Бундан ташқари, кўмида раиси ўринбосари лавозимига ишлаб келган Шоира Нурматова вазифасидан озод этилган ҳамда бу лавозимга Ўзбекистон Миллий университети «Маънавият асослари ва диншунослик» кафедраси профессори Мукаррам Нурматова тайинланган.

Ўзбекистонда ўтказилган Қуръон мусобақасининг олий ўрин соҳиби қорақалпоғистонлик Йўлдошбек қори Нуриддинов ғолиб сифатида қўлга киритган «Gentra» русумли автомашинани ўз устозига совға қилди.

Маълумот ўрнида: Йўлдошбек қори Нуриддинов машина билан бирга ота-онаси билан «Умра» сафарига бориш имкониятини ҳам қўлга киритган эди.

Шу йилнинг 12 апрелида Ўзбекистон блогерлари чемпионатига старт берилди.

Чемпионатнинг 1-босқичи 30 апрелда яқунланиши керак эди. Бирок унинг муддатини узайтиришга қарор қилинди. Энделикда 1-босқич учун ижодий ишлар 20 майгача қабул қилинадиган бўлди. Қолган босқичларнинг муддатлари ҳам ўзгарди. Иккинчи босқич 22-31 майда, финал босқичи эса 2-12 июнда бўлиб ўтади.

Профессионал боксчимиз Шоҳжаҳон Эргашев АҚШнинг Бруклин шаҳрида ўтказилган беллашувда рақиби хитойлик Ванг Жиминга қарши кечган ўн раундлик жангда ғолибликни қўлга киритиб, WBA International чемпионлик камари соҳибига айланди.

Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний туманидаги «Тинчлик» овулида яшовчи Равадан Яхшимуратов Тошкентга пиёда йўлга чиқди. Уни ҳудуд аҳолиси тантанали равишда кузатиб қўйди. Эслатиб ўтиш жоизки, Р.Яхшимуратов жорий йил 5 февраль куни Президент виртуал қабулхонасига мурожаат қилиб, Беруний туманидан Тошкент шаҳригача (деярли 1200 км.) бўлган йўлни пиёда босиб ўтиш истагини билдирган эди.

Тошкент шаҳрида «Evos» тез овқатланиш тармоғи ошпазлари томонидан 31 метрлик улкан лаваш тайёрланди.

Бунинг учун 31 метр ҳамир, 19,8 кг гўшт, 4 кг помидор, 2,5 кг бодринг, 5,5 кг чипс, 16 литр махсус соус ва 5,3 кг майонездан фойдаланилди.

Тайёр бўлган лаваш таширф буюрганларга сотилди ҳамда сотувдан тушган маблағ «Савоб иш қил, Ўзбекистон» хайрия гуруҳининг кўнглиллари қўлга киритган «Gentra» русумли автомашинани ўз устозига совға қилди.

## Халқаро олимпиададаги муваффақият

Тошкент давлат педиатрия тиббиёт институти қошидаги Юнусобод академик лицейи директори Ортиқбой Эшонқуловнинг Беларусь Республикасидан хабар беришича, Минск шаҳрида 23 – 29 апрель кунлари бўлиб ўтган 52-Халқаро Менделеев олимпиадасида ўзбекистонлик ўқувчилар муваффақиятли иштирок этган.

Дунёнинг 22 та давлатидан иқтидорли ёшлар катнашган мазкур нуфузли олимпиадада мамлакатимиз вакиллари 2 та кумуш ва 4 та бронза медалини қўлга киритиб, юртимизни яна бир бор амалда намойиш этишди.

Жумладан, Тошкент давлат педиатрия тиббиёт институти қошидаги Юнусобод академик лицейидан Дилдора Ҳакимбоева (кумуш), Жалолдин Аловуддинов, Исломжон Каримов, Улуғбек Бойнурбеков (бронза), Наманган давлат университети қошидаги академик лицейдан Зебунисо Турсунова (кумуш), Олмалик академик лицейидан Саида Ортиқбоева (бронза) совриндорлар сафидан жой олган.

— Юртимизда биз, ёшлар учун кенг имкониятлар яратиб берилмоқда, — дейди Дилдора Ҳакимбоева. — Ушбу халқаро олимпиададаги эришган муваффақиятларимиз давлатимиз томонидан таълим соҳасига қаратилган улкан эътибор самараси, деб бемалол айтишим мумкин. Келгусида янада чуқур билим олиб, изланиб, юксак марраларни забт этишга, Ватан тараққиётига муносиб ҳисса қўша оладиган мутахассис бўлишга астойдил ҳаракат қиламан.

Ўз мухбиримиз



# Ўзбекистон — Туркия: ЎЗАРО ИШОНЧ ВА ДЎСТЛИККА АСОСЛАНГАН ҲАМКОРЛИК ЖАДАЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

Ўзбекистонда Туркиянинг етакчи компаниялари иштирокида қўшма инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш, энг аввало, эркин иқтисодий ва кичик sanoat зоналарида минерал ва хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ишлари бундан кейин ҳам рағбатлантириб борилиши қайд этилди.

Туризм соҳасидаги ҳамкорликни жадаллаштиришда миллий авиакомпанияларимиз ўртасида шерикчилик муҳим ўрин тутди.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси томонидан ўтган йил октябр ойидан бошлаб «Самарқанд — Истанбул», жорий йилнинг мартдан бошлаб «Турк ҳаво йўллари» томонидан шу йўналиш бўйича тўғридан-тўғри авиакатновлар йўлга қўйилгани, халқларимиз ўртасидаги борди-келдининг соддалаштирилиши муҳим аҳамиятга эга экани алоҳида қайд этилди.

Хозирги вақтда авиакатновларни кенгайтириш мақсадида янги режа ва қўшма лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Мамлакатимизда туризм инфра-тузилмасини ривожлантириш борасидаги дастурлар доирасида турк инвестицияси иштирокида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масаласи ҳам музокаралар мавзуси бўлди.

Ўзбекистон ҳам, Туркия ҳам туризм соҳасида улкан имкониятларга эга. Бу салоҳиятдан тўла фойдаланиш, сайёҳлар алмашинувини ошириш улкан иқтисодий самара беради.

Яна бир муҳим йўналиш — Ўзбекистонда зиёрат туризмни ривожлантириш бўйича ҳам амалий фикр алмашувлар бўлиб ўтди.

Ўтказилган суҳбат ва музокаралар доирасида Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ислом цивилизацияси маркази инфратузилмаларини ривожлантириш ва уларнинг фаолиятини шакллантиришда туркиялик қардошлар билан яқиндан ҳамкорлик қилишга келишиб олинди.

Бугунги кунда жадал ривожланиб бораётган маданий-гуманитар алоқалар ҳам Ўзбекистон — Туркия муносабатларининг ажралмас қисми ҳисобланади. 2016 йил июнь ойида Анкарада Ўзбекистон малайяни кунлари бўлиб ўтди. Турк санъат усталарининг Самарқандда ўтказилган «Шарқ тароналари» халқаро мусика фестивалида мунтазам иштирок этиши, Туркия давлат телерадиокомпанияси (РТҲ) Ўзбекистонда ўтказилган расмий тантаналарни хорижий мамлакатларга ретрансляция қилиши аънамага айланди.

Соғлиқни сақлаш ва тиббий таълим соҳаларида, етакчи тадқиқот марказлари ўртасида тажриба алмашиш ҳамда профессионал кадрлар тайёрлаш борасидаги ҳамкорлик ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатларимиз БМТ, Ислом ҳамкорлик ташкилоти каби халқаро тузилмалар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар бўйича томонларнинг позициялари бир-бирига ўхшаш ёки яқин.

Президентлар минтақавий ва халқаро даражада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш истагида эканликларини таъкидлаб, кўп томонлама тузилмалар доирасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришга интилишларини билдирдилар. Хусусан, Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш масаласида ҳам атрофича фикрлашиб олинди.

— Бизнинг бу борадаги қатъий позициямизни яна бир бор таъкидлашни истардим: Афғонистонда тинчликка эришишнинг ягона йўли — марказий ҳукумат ва мамлакат ичидаги асосий сиёсий қучлар ўртасида оқиндан ҳеч қандай шарт қўймасдан, тўғридан-тўғри мулоқот олиб бориш зарур, — деди Шавкат Мирзиёев. — Албатта, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бу борада асосий воситачи ролини бажариши лозим.

Давлат раҳбарлари маърифий ва бағрикенг ислом динини тарғиб этиш, унинг асл инсонпарварлик моҳиятини бутун жаҳон жамоатчилигига етказиш борасида ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидладилар. Зеро, ислом дини доимо эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдуғон кенг қўламли стратегик ҳамкорлигимизни янги, янада юксак босқичга кўтаришга қаратилган, ўз мазмун-моҳияти билан катта аҳамиятга эга бўлган Қўшма баёнотни имзоладилар.

Ўзбекистон — Туркия ҳамкорла-

рининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш мақсадида мамлакатларимиз ҳукуматлари, вазирлик ва идоралари ўртасида иқтисодиёт, савдо-сотиқ, транспорт-логистика, sanoat, илм-фан, таълим, туризм ва бошқа соҳаларга доир 24 та ҳужжатга имзо чекилди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Режеп Таййип Эрдуғон музокаралар ўзаро англашув ва хурмат руҳида ўтганини, имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Республикаси ўртасидаги узоқ истиқболли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидладилар.

— Музокаралар халқларимиз ўртасидаги азалий дўстлик ва қардошлик аънаваларига мос ҳолда, очик, сермазун ва самарали бўлди. Ҳамкорлигимизнинг бугунги ҳолати ҳолисона баҳолашни, унинг устувор йўналишлари ва истиқболдаги вазифалари аниқ белгилаб олинди. Икки давлат раҳбарлари раислигида Стратегик шериклик олий кенгаши тузиш бўйича келишувга эришилди, — деди давлатимиз раҳбари.

Туркия Президенти музокаралар ўзаро англашув, манфаатдорлик ва ишонч руҳида ўтганини, Туркия ва Ўзбекистон ҳамкорлиги янада мустаҳкамланиб, стратегик даражага кўтарилганини таъкидлади. Қўламли ҳамкорлигимизни янги, янада юксак босқичга кўтаришга қаратилган, ўз мазмун-моҳияти билан катта аҳамиятга эга бўлган Қўшма баёнотни имзоладилар.

Режеп Таййип Эрдуғон Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси

Конунчилик палатасига ташриф буюрди. Олий мартабали меҳмонга мамлакатимиз парламентида амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида сўзлаб берилди. Туркия Президенти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Конунчилик палатаси депутатлари олдида нутқ сўзлади.

Куннинг иккинчи ярмида Туркия Президенти Мустакиллик майдонига ташриф буюрди. Олий мартабали меҳмон хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустакиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Шундан сўнг Режеп Таййип Эрдуғон Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов хайкали пойига гул қўйиб, Буюк Йўлбошчимиз хотирасига хурмат бажо келтирди.

Давлат раҳбарлари Шавкат Мирзиёев ва Режеп Таййип Эрдуғон «Ўзэкспомарказ»да ташкил этилган «Ўзбекистон — Туркия» ишбилармонлари бизнес форумида иштирок этидилар. Бизнес-форум доирасида умумий қиймати 3 миллиард долларга тенг 50 дан ортиқ янги инвестициявий қўшма лойиҳани амалга ошириш бўйича келишувларга эришилди.

Президентлар мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантиришда бундай бизнес-форумлар муҳим аҳамиятга эга эканини қайд этидилар.

Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдуғоннинг мамлакатимизга давлат ташрифи давом этмоқда.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**  
ЎЗА муҳбири

## Халқаро анжуман

Кеча акциядорлик тижорат «Халқ банки»нинг мажлислар залида «Ўзбекистонда гўшт ва сўт ишлаб чиқариш истиқболлари: эришилган ютуқ ва мавжуд муаммолар» мавзусида халқаро илмий-амалий ўқув семинари бўлиб ўтди. «Халқ банки» ҳамда «Насл-хизмат» чорвачилиқда наслчилик уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу семинар давлатларидан келган чорвачилиқ соҳасидаги етакчи компанияларнинг мутахассислари маъруза қилишди.

## Чорвачилиқ истиқболи

Ўқув семинари давомида «Чет давлатлардан насли молларни келтиришда тўғри танлаш ва баҳолаш», «Сутчилик фермаларида озука тайёрлаш, қайта ишлаш ва қорамолларни озиклантириш технологияси», «Бузоқларни тўғри саклаш ва уларга сўт ичириш ва ундан кейинги даврда тўғри озиклантириш технологияси», «Ситирларни туғишдан кейинги даврда парваршиллаш ва уларнинг репродуктив органларида учрайдиган касалликлар ва уларнинг олдини олиш чоралари» мавзуларида ўқув машғулотлари ўтказилди.

Тадбирда таъкидландики, «Халқ банки» томонидан чорвачилиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажминини янада кўпайтириш, ички истеъмол бозорини арзон ва сифатли чорвачилиқ маҳсулотлари билан таъминлаш ҳамда янги иш ўринларини яратиш борасида қатор ишлар амалга ошириляптир. Хусусан, кишлоқ хўжалигининг муҳим бўғини саналган мазкур тармоқни ривожлантириш мақсадида юртимизга Россия, Украина, Европа давлатларидан ўтган 2 йил давомида 20 254 бош наслдор қорамол ҳамда 3 632 бош зотли эчки олиб келинди. Ушбу чорва молларини олиб келиш учун 241,5 миллиард сўм миқдорда маблағлар йўналтирилди. Пиравардида 4500 тадан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Биргина ўтган йилнинг ўзида «Халқ банки» томонидан чорвачилиқ йўналишидаги 1 600 та лойиҳага 202,5 млрд. сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилди. Шундан хорижий мамлакатлардан 80,1 млрд. сўмлик 5 075 бош наслдор қорамол олиб келиниб, наслчилик хўжалиқларига тарқатилган.

Семинарда иштирок этаётган фермер хўжалиқлари чорвачилиқ соҳасидаги муҳим маълумотларни ўзлаштиришда, шунингдек, ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олишмоқда. Албатта, бу уларнинг келгусидаги иш фаолиятлари учун муҳим аҳамият касб этади.

Халқаро семинарда хорижий мутахассислар бу йўналишда эришилган ютуқларга юқори баҳо бериб, дёрорлиқлардан самарали фойдаланиш, наслчиликни энг сўнгги замонавий усулда ривожлантириш бўйича ўз тажрибалари билан ўртоқлашди. Шунингдек, чорвачилиқнинг ривожлантириш истиқболлари, сунъий уруғлантиришнинг замонавий усуллари хусусида ҳам маълумотлар берилди.

Маъруза ўқув-семинарлари худудларда ҳам ташкил этиш режалаштирилган.

**Нарзулла МАҲАМОВ,**  
«Ishonch» муҳбири

Пойтахтимизда Ўзбекистон ва Туркия Республикаси ўртасида туризмни янада ривожлантириш, ўзаро тажриба алмашиш, туркиялик меҳмонларни юртимиз сайёҳлик салоҳияти билан таништиришга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

## Сайёҳлик салоҳияти тақдимоти

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан ўтказилган тадбирда икки давлат оммавий ахборот воситалари вакиллари, тадбиркорлар иштирок этиди. Унда давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, истиқболли порлоқ режаларни ҳаётга таъбиқ этиш, ўзбек туризми салоҳиятини янада такомиллаштириш юзасидан фикрлашилди.

Мамлакатимиздаги 7 мингдан зиёд меъ-

морий обида сайёҳларни, бутун дунё ахлини қизиқтириб келади. Шу боис маъруза объектларини замонавий сайёҳлик масканларига айлантириш, хорижийлар ва юртдошларимиз учун қўлайлик яратиш мақсадида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, баъзи давлатлар учун виза тизимида қўлайлик яратилгани, электрон тизим йўлга қўйилгани, қиска муддатларда ҳужжатларни расмийлаштириш имконияти берилётгани юрти-

мизга келувчилар сафини кенгайтирмоқда. Бундан ташқари, байрам, дам олиш ҳамда таътил кунларида транспортдан фойдаланиш тизимининг арзонлаштирилиши эса ички туризмни ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Пойтахтимизнинг ўзида 150 меҳмонхона бўлиб, 11 мингдан зиёд келувчига хизмат кўрсатиш имкониятига эга. Бу каби қўлайликни сайёҳлик худуди ҳисобланган вилоятларда ҳам яратиш, юртимизга қизиқиб билдираётган хо-

рижлик инвесторларни соҳага кенг жалб этиш юзасидан тақдирлар берилди.

Туризмни ривожлантириш, сайёҳларга хизмат кўрсатишда барча транспорт воситаларидан кенг фойдаланишмоқда. Соҳани янада ривожлантиришга хорижий авиакомпанияларни жалб этиш, бошқа давлатлар тажрибасини ўрганиш, хусусан, туркиялик мутахассислардан ёрдам олишда режалар ишлаб амалга оширилмоқда.

Тадбирда сайёҳлар учун меҳмонхона, транспорт ва бошқа хизмат кўрсатиш турлари, нархлари, электрон манзиллар, телефон рақамлари ҳақида тўлиқ маълумотлар берилди.

**Б.МЕЛИҚУЛОВА,**  
ЎЗА муҳбири

## Долзарб мавзу

# Истеъмол саватчаси жорий этилади(ми?)

Инсоннинг кунлик ёки ойлик маҳсулот, товар ва хизматларга эҳтиёжи тўғрисида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Агар уларни умумлаштириб ҳисоб-китоб қилсангиз, доимий ўртача миқдорни белгилашда, шунингдек, тақсимотда қатор қўлайликлар келтириб чиқариши ҳақида-чи? Ўртача кўрсаткич «истеъмол савати»га йиғганимизда, ундан нималар жой олар ва бунга қанча маблағ сарф бўларкин?..

**МУНОСИБ ҲАЁТ УЧУН**  
Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз парламентига Мурожаатномасида ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича устувор йўналишлар ҳақида тўхталиб: «Биз илғор хорижий тажриба асосида аҳолининг муносиб ҳаёт даражаси учун зарур бўлган даромадларни аниқлаш бўйича «истеъмол саватчаси» тушунчасини қонунийликда мустаҳкамлаш ва уни амалда таъминлаш механизмларини яратимиз лозим», деган эди. Кўриниб турибдики, «истеъмол саватчаси» тушунчаси ҳозирда ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.

Истеъмол саватчаси — инсон ҳаёти ва саломатлигини сақлаш учун зарур маҳсулот, товар ва хизматларнинг энг кам тўплами сифатида эътироф этилади. Анъанага кўра, истеъмол саватчаси 3 қисмдан иборат бўлади: озик-овқат маҳсулотлари, иносик-овқат товарлари (кийим-кечак, пойабзал, биринчи навбатда, зарур бўлган буюмлар, дори-дармонлар, маданий-маиший ва хўжалиқ учун мўлжалланган товарларлар), хизматлар (коммунал, транс-

порт, маданий-маърифий кабилар)ни камраб олади.

Сават тўплами ҳар бир мамлакатда турлича бўлиб, таркиби давлат даражасида белгиланади ва кўплаб омиллар — табиий-иқлим шароитлари, иқтисодий ривожланиш, озик-овқат товарларини ишлаб чиқариш хусусиятлари, товарлар ва хизматларнинг ҳақиқатда истеъмол қилиниши ва бошқа жиҳатларга боғлиқ бўлади.

Истеъмол саватчаси бир инсон ёки оила учун маълум бир вақтга, масалан, бир ой миқдоридан олинади. Кўп давлатларда унинг умумий қийматига кўра аҳолига ижтимоий нафақалар белгиланади.

**ЭҲТИЁЖЛАР МИНИМУМИ**  
Истеъмол минимуми — инсон танасининг меъёрда ишлашини таъминлаш ва унинг соғлигини, озик-овқат маҳсулотлари, зарур хизматлар тўпламини таъминлаш учун етарли бўлган қиймат ҳисобланади. Дунё амалиётида мамлакатдаги турмуш даражасини (истеъмол минимумини) белгилаш учун бир нечта вариант ишлаб



чиқилган. Масалан, мамлакатнинг энг бадавлат фуқаролари даромадлари даражасида истеъмол минимумини белгилашни назарда тутувчи статистик услуб мавжуд. Бу даромад даражаси жуда юқори бўлган давлатларда қўлланилиши мумкин. Субъектив ёки ижтимоий ёндашув эса аҳоли ўртасида минимал даромадлар юзасидан ўтказилган ижтимоий сўраномалар натижаларига асосланади. Бу маслаҳатлашувлар асосида ҳал этилади. Чунки натижалар давлатнинг реал иқтисодий имкониятига мос келмаслиги мумкин. Лекин у одамларнинг ҳақиқий эҳтиёжини инодалайди. Иқтисодиётнинг истеъмол минимумини таъминлаб бериш имкониятига

асосланган ресурс услуби эса кўпроқ ривожланган мамлакатларда қўлланилади. Бундан ташқари, бир неча усулни ўзига бириктириладиган қўшма услуб ҳам мавжуд. Яъни, озик-овқат қиймати — мейёрларда, уй-жой, коммунал хизматлар — фактларда ва ноозик-овқат маҳсулотлари умумий харажатларнинг улуши бўйича аниқланади.

Бундан ташқари, ички истеъмол саватчасини ишлаб чиқишда демографик ва ижтимоий-иқтисодий омиллар, барча гуруҳдаги аҳолининг эҳтиёжлари, уларнинг даромади даражаси, зарур бўлган энг кам истеъмол ҳажми, товар ва хизматлар юзасидан илмий тавсиялар, давлатнинг мо-

лиявий имкониятлари, бозор нархлари ҳамда ушбу йўналишдаги тажрибаси асос бўлиб хизмат қилади.

— Истеъмол минимуми миқдори давлатнинг ижтимоий мезони сифатида қўлланилади, — дейди иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент Исломбек Ниёметов. — Мамлакатнинг давлат ва маҳаллий бюджетини шакллантирувчи истеъмол саватчаси энг кам ойлик иш хақи, энг кам нафақа, ижтимоий ёрдам, болали оилалар учун нафақа, шунингдек, давлатнинг қонуний талаблари асосида стипендия ва бошқа ижтимоий нафақалар миқдорини белгилашда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

## ТУРЛИ ДАВЛАТЛАРДА ТУРЛИЧА

Илғор хорижий тажриба асосида аҳолининг муносиб ҳаёт кечирини учун зарур бўлган даромадларни аниқлаш бўйича «яшаш минимуми» ва «истеъмол саватчаси»га оид муносабатлар ҳуқуқий тартибга солинади. Қабул қилиниши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда аҳолининг реал даромадлари, иш хақи, пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар миқдорининг мутаносиблигини таъминлаш муҳим рол ўйнайди.

АҚШда 300 хил маҳсулот истеъмол саватчасига киритилган бўлса, Францияда 250, Англияда 350, Германияда 475, Россияда эса 156 хил маҳсулот истеъмол учун жой олар. Шунингдек, Россияда

истеъмол саватчаси ҳар 5 йилда белгиланади. Озик-овқат маҳсулотлари унинг ярмини (50 фоизини), ноозик-овқат товарлари ва хизматлар эса ҳар бири чорак қисминини (25 фоиздан) ташкил этади. Қозғистонликларнинг истеъмол саватчасидаги озик-овқат маҳсулотлари улуши 55 фоизни ташкил этади. Болгарияда бундай саватчаларнинг олтигаси тақлиф қилинган бўлиб, хусусиятлари ва оилаларнинг таркиби бўйича фарқланади. Яъни, унинг озик-овқат қисми ишлайдиганлар, нафақадагилар ва болалар учун мўлжалланган.

\*\*\*

Мамлакатимизда «тирикчилик учун зарур энг кам миқдор» ва «истеъмол саватчаси» тушунчаларини 2018 йилнинг 1 июлига қадар ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш режалаштирилган. 2017–2021 йилларда мамлакатимизни ривожлантиришни беғина тушуниш бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда «Фаол тадбиркорлик, инновацион ҳаял ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» Давлат дастурида бу масалага алоҳида эътибор берилган. Бундай ўзгаришлар мамлакатнинг келгусидаги ривожига ўзига хос замин яратиши шубҳасиз.

Озода РЎЗИҚУЛОВА

# Барча соҳа қамраб олинди

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши томонидан ижтимоий ҳамкорлар иштирокида ташкил этилган давра суҳбатида корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари ишини ташкил этиш, ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, ўқитиш, билимини синаш, давлат экспертизаси ўтказиш ва меҳнатни муҳофаза қилиш аудити тартиблари бўйича янги қабул қилинаётган ҳужжатлар ҳақида тушунчалар берилди. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан касба уюшмалари иштирокида ишлаб чиқилаётган меҳнатни муҳофаза қилишга оид меъёрий ҳужжатлар бўйича мулоҳазалар билдирилди.

Тадбирда ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириб бориш, ижтимоий ҳимоя ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини юксалтириш каби масалаларда касба уюшмалари тизимда мингдан зиёд ходимлар иш ўринларининг хавфсизлиги, коллеж битирувчиларига яратилган хавфсиз меҳнат шароити ўрганилгани ва иш берувчиларга тегишли тақлифлар к-

ритилгани маълум қилинди.

Давра суҳбати доирасида меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат назоратини энг яхши ташкил этиш юзасидан Республика кўрик-танловининг тармоқ бўйича номинациялари ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

Тадбир доирасида турли жабҳаларда фаолият юритиб келаётган давлат корхона ва ташкилотлари тақдим этган кўргазмали материаллар иштирокчиларга мавзур бўлди.

Муқаддас РАЗЗОҚОВА,  
«Ishonch» мухбири



Икром ҲАСАНОВ олган сурат.

Ходимнинг ҳаёти ва соғлиги устуворлиги, шунингдек, ушбу йўналишдаги фаолиятни иқтисодий ва ижтимоий сиёсатнинг бошқа йўналишлари билан мувофиқлаштириб борилиши — касба уюшмалари фаолиятининг асосий мезонларидан бири экани ҳеч кимга сир эмас.

## Фаолиятимизнинг асосий мезони

Тошкент шаҳар касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан ўтказилган давра суҳбатида корхона, ташкилот ва муассасалар иш берувчилари, касба уюшма ташкилотлари раислари, техник хавфсизлик муҳандислари иштирок этди.

Унда сўзга чиққан идоралараро ишчи гуруҳи аъзолари соҳада рўй бераётган янгиликлар ҳақида батафсил тушунчалар бериб, амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар, иш берувчилар, касба уюшмаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди.

Тажриба шунини кўрсатаётгани, хавфсизлик маданиятининг юқори даражада бўлиши меҳнат-қашлар, иш берувчилар ва ҳуқуқматта бирдек наф келтиради. Шу боис касба уюшмалари томонидан меҳнат муҳофазаси йўналишидаги ишларни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Таъкидлаш зарурки, жорий йилнинг апрелида пойтахт корхона, ташкилот ва муассасаларида «Меҳнат хавфсизлиги ойлиги» эълон қилиниб, ҳамкор ташкилотлар иштирокида мазкур йўналишдаги ишлар янада кучайтирилди.

Тадбир доирасида Касба уюшмалари Федерацияси томонидан ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикасининг меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида», бирлашма кенгаши ташаббуси билан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ишлаб чиқилган «Касб касалликларининг замонавий ҳолати ва унинг профилактика чора-тадбирлари» юзасидан услубий қўлланмалар тақдимотлари ҳам бўлиб ўтди.

Равшан МАҲАМАДАЛИЕВ,

Тошкент шаҳар касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири

# МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ — ЭЪТИБОР ИФОДАСИ

Халқаро Меҳнат ташкилотининг ташаббуси билан 2003 йилдан буён 28 апрель — Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш кунини нишонланади. Ушбу сана арафасида дунёнинг юздан ортиқ мамлакатларида, шу жумладан, юртимизда ҳам меҳнат муҳофазаси масалаларида эътиборни янада кучайтиришга қаратилган тадбирлар ўтказилади. Давра суҳбатлари асосида меҳнатда жараҳатланиш ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишининг олдини олишга иш берувчилар ва ходимлар эътиборини кучайтириш, мавжуд меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилиниши

устидан давлат ва жамоатчилик назоратини олиб боришда ижтимоий шерикликни ривожлантириш масалалари кенг муҳокама қилинди. Умид қиламизки, касба уюшмалари ҳудуди бирлашмалари, тармоқ касба уюшмалари Республика кенгашилари томонидан ташкил этилган «Меҳнат муҳофазаси: Ёш ходимларни қўллаб-қувватлаётми?» мавзусидаги давра суҳбатлари соҳага оид масалалар ечимини тезлаштиришга хизмат қилади.

## Самарадорлик кафолати

Алоқа музейида 28 апрель — Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш кунини муносабати билан давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши томонидан уюштирилиб, унга шу соҳада фаолият юритаятган корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари, касба уюшма кўмитаси раислари ҳамда мутахассислар тақлиф этилди.

— Бугунги кунда жойларда иш берувчи ва ходимлар ўртасидаги хизмат кўрсатиш маданияти юксалиб бораётганини

алоҳида таъкидлаш керак, — деди Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касба уюшмаси республика кенгаши раиси Асрор Эшонхўжаев. — Аммо шунга қарамай, муаммолар ҳам йўқ эмас. Тошкент шаҳри мисолида айтиладиган бўлса, метро, жамоат транспортлари, дорихона қабилаҳда халли-ҳануз ногиронлар учун қулайлик йўқ.

Тадбирда Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани халқ депутати, Ўзбекистон Либе-

рал-демократик партияси аъзоси Бобур Расулов, «Ўзбектелеком» АК бошланғич касба уюшма кўмитаси раиси Бахтиёр Жўраев, «РТМ» ДУК бошланғич касба уюшма кўмитаси раиси Икром Абдуллаев, Тошкент шаҳар давлат меҳнат техник инспекцияси бошлиғи Абдулла Мўминов ва бошқаларнинг меҳнат муҳофазасига оид маърузалари тинтилди.

Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан ўтказилган республика кўрик-танловини ғолиблари муносиб тақдирланди.

Ўз мухбиримиз

## Муносиб шароит

Унда сўзга чиққанлар муносиб меҳнат шароитини яратиш, иш жойида ходимлар руҳиятига таъсир этувчи омиллар, уни бошқариш усуллари, баргараф этиш механизмлари, унинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар.

Шунингдек, иштирокчиларга корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари ишини ташкил этиш, ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, ўқитиш, билимларини синаш, давлат экспертизаси ўтказиш ва меҳнатни муҳофаза қилиш тартиблари бўйича янги қабул қилинаётган ҳужжатлар ҳақида тушунча берилди.

Бундан ташқари, ходимларга яратилган муносиб меҳнат шароитлари, иш ўринларининг хавфсизлиги масалалари таҳлил қилинди, тармоқ корхона ва ташкилотларида меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ишлар намунали ташкил этилаётгани эътироф этилди.

Давра суҳбати доирасида тармоқ касба уюшмаси Республика кенгашининг меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат назоратини энг яхши ташкил этиш юзасидан республика кўрик-танловининг номинациялари бўйича ғолибларни тақдирлаш маросими ҳам ўтказилди.

Ўз мухбиримиз

Муносиб шароитларда меҳнат қилиш инсоннинг устувор ҳуқуқлари сирасига киради.

Сурхондарё вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмасида 28 апрель — Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш кунига бағишланган «Меҳнат муҳофазаси: Ёш ходимларни қўллаб-қувватлаймиз» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари, корхона

ва муассасалар мутасаддилари, касба уюшма фаоллари иштирок этди.

Давра суҳбатида бирлашма кенгаши раиси ўринбосари Қ.Боболов ушбу йўналишда амалга оширилаятган ишлар хусусида ахборот берди.

Тадбирда вилоят Бандлик бош бошқармаси меҳнатни муҳофаза қи-

лиш ва меҳнат шароитлари экспертизаси давлат инспекцияси бошлиғи Қаландар Қомиллов, вилоят ТМЭК раиси ўринбосари Исматулло Азизов, вилоят ДСЭНМ меҳнат гигиенаси бўлими раиси санитария врачиди Ёлдор Кенжаев, «Саноатгеотехназорат» давлат инспекцияси Сурхондарё минтақавий инспек-

цияси давлат инспектори Ўрол Маллаев, «Жарқўргоннефт» АЖнинг саноат хавфсизлиги муҳандиси Маъруф Зулфиров ҳамда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси стационар хизмати бўйича бош мутахассис Алижон Мавлоновнинг мавзуга оид маърузалари тинтилди.

Давра суҳбати якунида иштирокчилар ўзларини кизиқтирган саволларга тегишлича жавоб олишди.

Рустам ДАВЛАТОВ,  
«Ishonch» мухбири

## Устувор ҳуқуқ

## Ютуқлар омили

Қашқадарё вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан «Ўзбурғуннефтгаз» акциядорлик жамияти мажлислар залида ташкил этилган давра суҳбатини бирлашма раиси Эсон Ражабов бошқариб борди.

Давра суҳбатида «Саноатгеотехназорат» давлат инспекциясининг Қашқадарё минтақавий бўлими, вилоят Бандлик бош бошқармаси масъул ходимлари ҳамда йирик ишлаб чиқариш ва саноат корхоналарининг меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси муҳандислари сўзга чиқдилар. Айниқса, «Шўртангазкимё мажмуаси» МЧЖ қошидаги шифоҳона бош шифокори Зафар Бекназаров, «Минора куриш экспедицияси» АЖ меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси хизмати бошлиғи Мансур Исмонловнинг ёш ходим ва вакилларга берган тавсиялари давра суҳбати катнашчилари эътиборини тортди.

Тадбирда меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан республика кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими ҳам ўтказилди.

Қарши муҳандислик-иқтисодий институтининг «Энг яхши ташкилот», «Энг яхши касба уюшма кўмитаси» ва «Меҳнат муҳофазаси бўйича энг яхши вакил» номинациялари бўйича таълим, фан ва маданият ходимлари тармоғида биринчи ўринни қўлга киритди.

Анвар ХЎЖАҚУЛОВ,

Қашқадарё вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири

## Ходимлар саломатлиги мустаҳкамланади

Навоий вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмасида ҳам давра суҳбати бўлиб ўтди.

Шу муносабат билан меҳнат муҳофазаси ва хавфли ишлаб чиқариш объектларида саноат хавфсизлигини таъминлашга оид кўргазма ташкил этилди.

Шунингдек, тадбирда «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун (янги

тахрири) амалга татбиқ этилиши бўйича амалга оширилаятган ишлар, «Меҳнат шароитлари ва умумий касб касалликлари», «Ишлаб чиқариш ва ноинлаб чиқариш тармоқларида ишларни бехатар олиб бориш усуллари», «Ишлаб чиқаришда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар, жароҳатланишлар, касб касалликлари таҳлили», «Меҳнатни

муҳофаза қилиш соҳасида ёш ходимлар ва уларнинг фаолияти», «Иш ўринларида меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш ҳавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш ишларини ташкил этиш» каби мавзуларда маърузалар тинтилди.

Тадбир сўнггида меҳнатни муҳофаза қилиш борасида эришилган ижобий натижалар, соҳага оид муаммолар, уларнинг ечимини каби муҳим масалалар муҳокама этилди.

Маҳбуба ҚАМБАРОВА,

Навоий вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими етакчи мутахассиси

